Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 23-AVGUST, JUMA, 103 (8184)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

АЗЛАРОВ Тургун Рахматович

РАМАТОВ Ачилбай Жуманиязович

ЭШМАТОВ Анорбой Аббасович

АЗЛАРОВ Тургун Рахматович – Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

РАМАТОВ Ачилбай Жуманиязович – “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

ЭШМАТОВ Анорбой Аббасович – Пахтакор туманидаги “Анвар” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 22 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Олий Мажлиснинг юқори палатаси муҳокамасига мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган материаллар асосида «Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилишдан бошладилар.

Муҳокамалар давомида қайд этилганидек, Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ишлаб чиқариш технологияси эскириб кетган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюминий корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлослантирувчи моддаларни, шу жумладан, 200 тоннадан ортиқ ғоят хавфли ҳамда одамлар соғлиғи ва атроф- муҳит учун зарарли бўлган фторли водородни чиқариб ташламоқда. Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисмини ҳаво оқими «Талко» ДУКнинг атрофидаги Тожикистон ҳудудига ва Ўзбекистоннинг чегараолди ҳудудига, шу жумладан, Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун ва бошқа туманларига олиб ўтмоқда. Ҳозирги вақтда «Талко» ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосидаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса 3,4 баравар ошиб кетмоқда.

Сенат мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида ва Тожикистон Республикасининг Турсунзода туманида вужудга келаётган экологик вазият Тожикистон алюминий корхонасининг ҳалокатли таъсири натижасида тобора оғирлашиб, минтақанинг минг йиллар давомида шаклланган экологик тизимини бузмоқда.

Сўзга чиқувчилар томонидан таъкидланганидек, таркибида заҳарли газлар – карбон, олтингугурт оксидлари, углеводородлар ва бошқа зарарли моддалар жуда кўплиги билан ажралиб турувчи «Талко» ДУКнинг чиқиндилари энг аввало бу ерда зич яшаётган бир миллионга яқин аҳолининг соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Сурункали эндокрин ва суяк-мушак тизими, юқори нафас олиш йўллари касалликлари, туғма аномалиялар ва флюороз, шунингдек, онкология касалликлари сони ўсиб бормоқда. Болаларнинг ўлик туғилиши, болалар ўртасида патологик касалликлар кўпайиб бораётганлиги, айниқса, хавотирга солмоқда. Мазкур туманларда болаларнинг ҳам, катта ёшли аҳолининг ҳам патологик касалланишининг қайталаши Сурхондарё вилоятидаги ўртача даражадан 3 баравар юқори.

Минтақанинг иқтисодиёти, қишлоқ хўжалигига жуда катта кўламда зарар етказилмоқда. Алюминий корхонасининг зарарли чиқиндилари билан атмосфера, тупроқ, сув ресурслари ифлосланмоқда. Мева-сабзавот экинлари, узумзорлар ҳосилдорлиги пасайиб кетди, ушбу минтақа учун анъанавий бўлган пиллачилик деярли барҳам топди.

Шу билан бирга мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, халқаро экологик ташкилотлар экспертларининг хулосаларига, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг мурожаатларига қарамай, «Талко» ДУКда ишлаб чиқаришнинг йўналишини ўзгартириш, уни модернизациялаш, тозалаш иншоотларини ўрнатиш бўйича чоралар кўрилмаётир. Шу тариқа халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормалари талаблари, БМТ томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган ҳужжатларнинг талаблари, шунингдек, ушбу масала бўйича давлатлараро битимларнинг қоидалари бузилмоқда.

Айни пайтда атроф-муҳитни ифлослантириб, минтақадаги экологик вазиятни мушкуллаштиришга чек қўйишга чақираётган халқаро жамоатчиликнинг талаблари мутлақо эътиборга олинмаётир. Чунончи, «Талко» ДУК трансчегаравий чиқиндилари атроф-муҳитга ва аҳоли соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлиги туфайли вужудга келган экологик вазият муносабати билан Бельгия парламентининг аъзолари, Латвия парламентининг депутатлари, БМТ атроф-муҳит бўйича дастурининг (ЮНЕП), Европа ва Осиёдаги бир қатор экологик жамоат ташкилотларининг экспертлари салбий фикр билдирдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ТОЖИКИСТОН «ТАЛКО» ДУК КОРХОНАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ ЭКОЛОГИЯГА ВА ОДАМЛАР СОҒЛИҒИГА КЎРСАТАЁТГАН ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Олий Мажлисининг қуйи ва юқори палаталари муҳокамасига мамлакат Экологик ҳаракати ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган «Талко» ДУК зарарли чиқиндиларининг атрофдаги экологик муҳитга ва аҳолининг саломатлигига тобора кучайиб бораётган салбий таъсирини чуқур ўрганишга доир материаллар ушбу чиқиндилар таъсирини йўқотиш бўйича шошилинч чоралар кўриш масаласини ғоят зарур муаммо сифатида кун тартибига олиб чиқмоқда.

Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳрида 1975 йилда қурилган, ишлаб чиқариш технологияси эскириб кетган, тозалаш тизими самарасиз бўлган алюминий корхонаси ҳар йили атмосферага 22-23 минг тоннага яқин ифлослантирувчи моддаларни, шу жумладан, 200 тоннадан ортиқ ғоят хавфли ҳамда одамлар саломатлиги ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган фторли водородни чиқариб ташламоқда. Ҳозирги вақтда «Талко» ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосидаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан (ЙҚЮК) ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса 3,4 баравар ошиб кетмоқда.

Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисми ҳаво оқими билан теварак-атрофга, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Денов, Сариосиё, Узун ва бошқа туманлари ҳудудига ўтиб, минтақанинг минг йиллар давомида шаклланган экологик тизимини бузмоқда, шунингдек, бу ерда зич яшаётган 1 миллионга яқин аҳолининг соғлиғига ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Муаммонинг моҳияти шундаки, таркибида фтор бирикмалари, заҳарли газлар – карбон, олтингугурт оксидлари, углеводородлар ва бошқа зарарли моддалар жуда кўплиги билан ажралиб турувчи «Талко» ДУКнинг чиқиндиларидан атрофдаги аҳоли жабр кўрмоқда ва, биринчи навбатда, сурункали эндокрин ва суяк-мушак тизими, юқори нафас олиш йўллари касалликларидан, туғма аномалиялар ва флюороздан, шунингдек, онкология касалликларидан азоб чекмоқда.

Болалар ўртасида патологик касалликлар кўпайиб бораётганлиги, айниқса, хавотирга солмоқда. Охирги беш йилда Сариосиё туманида болаларнинг ўлик туғилиши ҳоллари 7,7 баравар кўпайган. Сариосиё туманида 175 минг аҳолининг 42 мингдан кўпроғи эндокрин касалликларга чалинган, Узун туманида яшайдиган 150 минг кишининг 100 мингга яқини эса турли ўзига хос хасталикларга дучор бўлган. Умуман олганда, Тожикистон алюминий корхонаси чиқиндиларининг трансчегаравий таъсирига учраган туманларда болаларнинг ҳам, катта ёшли аҳолининг ҳам касалланиши патологик бузилишларнинг қайталаниши жиҳатидан Сурхондарё вилоятидаги ўртача даражадан 3 баравар юқори.

Минтақанинг иқтисодиёти, қишлоқ хўжалигига жуда катта кўламда зарар етказилмоқда.

Алюминий корхонасининг зарарли чиқиндилари билан атмосфера, тупроқ, сув ресурслари ифлосланмоқда. Сариосиё, Узун ва Денов туманлари ҳудудида охирги 20 йилда сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги 27-46 фоизга, полиз экинларининг ҳосилдорлиги 24,4 фоизга, узумзорлар ҳосилдорлиги 37,8 фоизга пасайиб кетди, ушбу минтақа учун анъанавий бўлган пиллачилик деярли барҳам топди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2013 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

– Зуфаров Миржамол Мирумарович, Абдумаджидов Хамидулла Аманулла-евич, Абралов Хакимжон Қабулджанович, Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович, Назирова Людмила Алихандовнага – “Юрак-қон томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

– Сирожиддинов Шуҳрат Самариддиновичга – “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” фундаментал тадқиқоти учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

– Қодиров Муҳсин Халиловичга – “Ўзбек анъанавий театри” монографияси учун;

Фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2013 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

Иккинчи даражали Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

– Азизов Мирхаким Жавхарович, Ступина Надежда Владимировна, Ирисметов Муроджон Эргашевичга – “Йирик бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи” амалий тадқиқоти учун;

– Дадамухамедов Суннатулла, Муминов Рамизулла Абдуллаевич, Собиров Хабибулло, Турсунов Мухамад Нишанович, Юлдошев Исроил Абриевичга – “Кремнийли фотоайлантиргичлар асосидаги қуёш нурланишини бевосита электр энергиясига айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш” амалий тадқиқоти учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

– Изентаев Жоллибой Тангирбергеновичга (марҳум) – “Қорақалпоқ элим менинг” рангтасвир асарлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август

АТРОФ-МУҲИТНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ИФЛОСЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Тошкентда 20-21 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тожикистон «Талко» давлат унитар корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Европа, Америка ва Осиё давлатларидан парламент аъзолари, жумладан, Тожикистон парламенти депутатлари, тадқиқотчилар, экспертлар, БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров семинарни очар экан, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаётгани, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, жумладан, соғлом ҳамда қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш ушбу сиёсатнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш учун изчил институционал ва ташкилий чоралар кўрилмоқда. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда тегишли халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилган. Мамлакатимиз БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасидаги энг муҳим конвенциялари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда. Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим қисми бўлган ушбу хайрли ишларда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда истиқлол йилларида атмосферага зарарли моддаларни чиқариш 2 баробар, ифлосланган оқова сувларни оқизиш 2,2 баробар камайтирилди. Сўнгги бир неча йилда қишлоқ хўжалигида пестицидлардан фойдаланиш 5 баробар қисқартирилди, саноат корхоналарида экологик хавфсиз технологиялар кенг жорий этилаётир, ишлаб чиқариш чиқиндилари чуқур қайта ишланиб, тозалаш қурилмалари модернизация қилинмоқда. Бу эса нафақат экологик, балки катта иқтисодий самаралар бераётир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ўз маърузасида таъкидлаганидек, Ўрта Осиёда, жумладан, мамлакатимизда қатор жиддий трансчегаравий экологик муаммолар мавжуд.

Тожикистондаги «Талко» ДУК алюминий корхонасининг заҳарли ишлаб чиқариш чиқиндиларининг Ўзбекистон ва Тожикистоннинг мазкур корхона яқинида жойлашган туманлари аҳолиси саломатлиги ҳамда экологиясига ҳалокатли таъсир кўрсатаётгани ҳам шундай кескин муаммолар сирасига киради. Экологик меъёрларга риоя этилмасдан, қолоқ технологиялар асосида қурилган мазкур завод фаолияти минтақада минг йиллар давомида шаклланган экотизим бузилишига, аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун катта хавф туғилишига сабаб бўлаётир.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-саҳифада)

Сенаторларнинг нутқларида «Талко» ДУК саноат чиқиндиларининг ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида Ўзбекистонда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Сўнгги уч йил ичида мазкур туманларда энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бир қатор кўп тармоқли туман поликлиникалари ва даволаш-профилактика муассасалари фойдаланишга топширилди, 50 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастури доирасида кўп миқдорда моддий, молиявий маблағларни жалб этиш ва мазкур вазифаларни ҳал қилишга йўналтириш назарда тутилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Талко» ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда камайтириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича шошилинч чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар ва ресурсларни сафарбар қилишни, ушбу муаммони ҳал қилишга манфаатдор экологик ташкилотлар, БМТнинг тегишли тузилмалари, мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматлари имкониятларини жалб этишни назарда тутадиган қарори қабул қилинди. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, трансчегаравий ифлослантириш муаммолари халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларини, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, БМТ тегишли қарорларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак.

Сенаторлар ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Тожикистондаги юз минглаб аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, ушбу минтақада яшайдиган ва меҳнат қиладиган келгуси авлодларнинг тақдири мазкур масалаларни тезроқ ҳал қилишга боғлиқ, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг иқтисодиётни эркинлаштириш ва демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ тайёрланган «Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишга киришдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу қонун кредитларни расмийлаштириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, гаров муомаласига кўчар мол-мулкни киритиш ҳамда тижорат банкларининг мол-мулкни гаровга олиб кредитлаб бериш вақтидаги таваккалчилигини камайтириш ҳисобига кичик бизнеснинг кредит воситасида молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу эса ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Сенаторлар «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликнинг тарқалишига қарши курашишни, зарур профилактикани ҳамда аҳолини ОИВ инфекциясидан ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1023-сонли қарорининг қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, бу соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган таъсирчан чоралар рўёбга чиқарилишининг ҳуқуқий асослари кенгайишига ёрдам беради.

Шундан сўнг сенаторлар маҳсулотни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш ва стандартлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, маҳсулотнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашга, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда айтиб ўтилганидек, бу соҳадаги муносабатлар бугунги кунда турли соҳавий қонунлар: «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Ушбу соҳада ягона базавий қонуннинг қабул қилиниши мувофиқликни баҳолашнинг бутун тизимини, шу жумладан, миллий аккредитацияни ҳам ташкил этишнинг умумий принциплари, қоидалари тартибга солинишини таъминлайди.

Сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-2012 йилларда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва давлат раҳбарининг бошқа фармонлари асосида тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Қонун билан Солиқ, Божхона, Ҳўжалик-процессуал, Меҳнат, Жиноят кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа қатор қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга, унинг бандлигини таъминлашга ва бошқаларга ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

АТРОФ-МУҲИТНИНГ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ИФЛОСЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Муаммонинг моҳияти шундаки, «Талко» ДУКнинг фтор аралашмаси, заҳарли газлар – углерод, олтингугурт, углеводородлар оксидлари ва бошқа зарарли моддаларнинг кўплиги билан ажралиб турадиган ташланмалари ҳудуд аҳолисига салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар, биринчи навбатда, сурункали эндокрин ва суяк-мушак тизими, юқори нафас олиш йўллари, туғма аномалия ва флууороз, шунингдек, онкология касалликларидан азият чекмоқда.

Семинар қатнашчилари тадбир арафасида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Денов, Узун ва бошқа туманларида бўлиб, «Талко» ДУК фаолияти табиий муҳит ва одамлар саломатлигига қанчалик катта зарар етказаётганини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қилдилар.

Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори **Майкл Эдельштейн** (АҚШ) шундай деди: «Бизда «Талко» ДУКнинг бутун фаолияти давомида атроф-муҳитга етказган зарарини ўрганиш натижалари бор. Сурхондарё вилоятининг энг кўп зарар кўрган туманлари аҳолиси ана шундай оғир машаққатни бошидан кечирмоқда, улар мазкур экологик вазиятнинг қурбонлари ва маҳкумларига айланган. Корхона қувурларидан чиқаётган заҳарли тутун Ўзбекистон томон эсаётганини кўрдик, одамларга, табиат ва иқтисодиётга қандай зарар етказаётганига ишонч ҳосил қилдик. Мазкур ҳудуддан узоқда яшаб, бу ерда аҳоли қандай кун кечираётгани ва нималарни бошидан ўтказаётганини тасаввур қилиш қийин. Улар нафас олаётган ҳаво, ичаётган сув, шу ерда етиштирилган ва истеъмол қилинаётган нон заҳарли моддалар билан зарарланган. Бироқ, мазкур корхона фаолиятидан фойда кўраётганлар буларнинг барчасини ҳамон инкор этиб келмоқда. Биз вазиятни яхши томонга ўзгартиришимиз ва бунинг учун зарур чораларни кўришимиз шарт».

«Бугун Ер юзида содир бўлаётган кўплаб фалокат ва табиат инжиқликлари инсон фаолияти билан боғлиқ, – дейди Вагенинген университети профессори, иқлим ўзгариши соҳасидаги тадқиқотлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган **Рик Лиманс** (Голландия). – Барқарор ривожланиш масалалари ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Барқарор ривожланишни таъминлаш учун яқин йиллар ичида атмосферага чиқарилаётган ташланмалар миқдорини 90 фоизга камайтиришимиз даркор. «Талко»нинг одамлар саломатлиги, ҳайвонлар ва ўсимликлар, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулдорлиги, демак, минтақа тараққиётига ўта хавфли таъсир кўрсатаётган газсимон чиқиндилари ҳам жиддий муаммолардандир. Самарасиз ва эскирган тозалаш ускуналарига эга «Талко» ДУК ҳар йили атмосферага қарийб 22-23 минг тонна заҳарли моддалар, жумладан, одамлар саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун ўта хавфли 200 тоннадан зиёд фторли водород чиқармоқда. Шу боис биз барча манфаатдор томонлар, мустақил экспертлар, олимлар иштирокида маҳаллий ва минтақавий тадқиқотларни ўтказишни қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, бу борада самарали мулоқотни йўлга қўйиш керак. Тошкентда ўтган мазкур халқаро семинар бунга яхши мисол бўла олади. Шундагина муаммонинг мақбул ечимини топиш мумкин».

Халқаро семинар қатнашчилари Тожикистондаги «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида атроф-муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш муаммосини ҳар томонлама муҳокама этиб, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги шимолий туманлар ва Тожикистоннинг Турсунзода туманида мазкур корхонанинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига ҳалокатли таъсири туфайли юзага келган вазият тобора мураккаблашиб, кескин тус олаётганини алоҳида таъкидлади. Атмосфера ифлосланишига сабаб бўлаётган ушбу муаммони бартараф қилишга доир қатъий чоралар кўрилмаса, бу ерда яшаётган бир миллионга яқин аҳолининг ҳаёти учун ўнглаб бўлмас оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги қайд этилди.

Семинар қатнашчилари атмосфера, сув ресурслари, тупроқда фторли водород ҳамда «Талко» ДУК чиқараётган бошқа заҳарли моддалар миқдори ошиб кетаётгани оқибатида турли касалликлар кўпайиб бораётгани, айниқса, чақалоқлар ўлик туғилаётгани алоҳида ташвиш туғдираётганини қайд этди. Ушбу заҳарли моддаларнинг трансчегаравий таъсирида қолган туманларда болалар ва катта ёшли аҳолининг патологик бузилишлар такрорланиши бўйича касалланиш даражаси Сурхондарё вилоятидаги ўртача кўрсаткичдан 3 баробар юқоридир.

«Алюминий ишлаб чиқариш зарарли технологиялар сирасига киради, – деди «Шиндонг ресорсез» компанияси президенти **Ким Ёнг Гу** (Корея Республикаси). – «Талко» катта миқдорда энергия истеъмол қилиб, атроф-муҳитни ўта хавфли моддалар билан заҳарламоқда. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Корея Республикаси ҳам шундай муаммога дуч келган эди. Муаммони ҳал этиш учун барча чораларни кўрдик, яъни самарали тозалаш иншоотлари қурилди, тегишли ускуналар ўрнатилди, экологик нуқтаи назардан хавфсиз технологияларга ўтилди. Менимча, Тожикистон алюминий корхонаси билан боғлиқ мазкур вазиятда ҳам шундай йўл тутиш лозим. Зеро, инсон ҳаёти ва саломатлигини ҳеч қандай фойда билан таққослаб бўлмайди».

Ҳудуд иқтисодиётига, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳасига ҳам катта зарар етказилмоқда. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасаймоқда. Ўсимликлар, озуқа экинларида фтор миқдори кўплиги сабабли ҳайвонлар организмида ҳам ўнглаб бўлмас физиологик ўзгаришлар рўй бераётир. Чорва моллари сони, сут соғиш ҳажми камайиб бормоқда, гўшт ва сут маҳсулотлари сифати ёмонлашмоқда. Олиб борилган тадқиқотларда сутда фтор миқдорининг нормаси 9-13 баробар кўплиги аниқланган. Буларнинг барчаси одамлар ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф солмоқда.

Экспертларнинг фикрича, «Талко» ДУК томонидан етказилган иқтисодий зарар юз миллионлаб АҚШ долларини ташкил қилади. Семинар қатнашчилари ўз чиқишларида корхона табиат ва одамлар саломатлигига етказган катта зарарни баҳолаб бўлмаслигини қайд этди.

Чет эллик мутахассислар хулосасига кўра, корхонада асосий ишлаб чиқариш техникаси ресурслари тугаган ва ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлиги таъминланмаётир. Экологик вазият тобора ёмонлашиб бораётганига қарамай, «Талко» ДУК ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини оладиган замонавий тозалаш қурилмалари билан жиҳозлаш учун зарур ташкилий-техник ва табиатни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаяпти.

«Уч йил аввал Сурхондарё вилоятига борганимизда «Талко» чиқараётган зарарли моддалар таъсирида боғлар, узумзорлар нобуд бўлаётгани, болалар касалликка чалинаётганининг гувоҳи бўлган эдик, – деди Европа тарихий минтақалари иттифоқи раиси **Витторио Жоржи** (Италия). – Етказилаётган зарар миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Илгари иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида экология ифлосланишидан одамлар, атроф-муҳит зарарланганини кўрмаганман. Бу ҳақда Италия ва бошқа мамлакатлар матбуотида чоп этилган мақоламда ҳикоя қилинган. Халқаро ҳуқуқ иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлаш воситаларини ва шу билан бирга, бугунги ҳамда эртанги авлодга қулай муҳитда яшаш имкониятини беради. Халқаро ҳамжамият умумқабул қилинган нормаларни бузганлар ўз қилмиши учун жавоб беришини таъминлаш борасида муайян ресурсларга эга. «Талко»нинг атроф-муҳитни заҳарлаётганини кўра-била туриб, буни тан олмаслик мумкинми!? Кўп йиллар мобайнида етказилган зарар ўрнини ким қоплайди? Муаммо одамлар манфаатлари инобатга олинган ҳолда ҳал этилиши керак. Менимча, мустақил экспертлардан иборат халқаро комиссия тузиш ва олинган натижалар билан халқаро судга мурожаат қилиш муаммони ҳал этиш йўлларидан биридир».

Семинарда қатнашган чет эллик экспертлар «Талко» ДУК ишлаб чиқариш чиқиндиларининг салбий таъсирини камайтиришга доир тегишли чоралар кўрилмаётгани, кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, 1992 йил Рио-де-Жанейрода қабул қилинган Атроф-муҳит ва ривожланиш декларацияси ҳамда 1982 йилда қабул қилинган Бутунжаҳон табиат хартияси нормалари бузилаётганини алоҳида таъкидлади. 1994 йил 17 ноябрда имзоланган Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсири зонасида экологик аҳволни яхшилаш бўйича ҳамкорликка оид Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро битими ҳам амалда бажарилмаётир.

Бундан ташқари, халқаро экология ташкилотлари, Ўзбекистоннинг давлат ва жамоат тузилмалари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг хулоса ва мурожаатлари, Сурхондарё вилояти аҳолисининг мурожаатларига қарамай, Тожикистон томонидан тақдим этилаётган материалларда алюминий корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятининг минтақадаги экологик вазият ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётгани, атроф-муҳитга зарар етказишга барҳам бериш чораларини кўриш зарурлиги инкор этилмоқда.

Технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича Бранденбург институти президенти **Эдгар Клозе**нинг (Германия) фикрича, «шунча одамнинг битта корхона фаолияти туфайли азият чекишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Корхонанинг зарарли таъсир кўрсатаётгани ва ушбу долзарб муаммони ҳал этиш зарурлигини иккинчи томон тан олиши шарт. Фақат шундагина минтақада, биринчи галда, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти туманларида юзага келган кескин экологик аҳволни юмшатиш учун эмас, балки уни буткул яхши томонга тўлиқ ўзгартириш бўйича самарали чораларни кўриш мумкин. Зеро, ҳатто бир бола, бир одамнинг жабр кўриши ҳам катта фожиадир. Ушбу туманларда эса юз минглаб одамлар яшайди. Шу сабабли мазкур корхонанинг экология ва аҳоли саломатлигига етказаётган ҳалокатли таъсирига зудлик билан барҳам бериш чораларини кўриш зарур, деб ҳисоблайман».

Уч кун давом этган халқаро семинарда билдирилган фикрларни умумлаштириш ва келинган хулосалар асосида тадбир иштирокчилари тегишли тавсияларни қабул қилди. Уларда «Талко» ДУКда ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар, унинг атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймайдиган табиатни муҳофаза қилишга оид бошқа чора-тадбирларни зудлик билан ўтказишнинг муҳимлиги алоҳида қайд этилган. Семинар қатнашчиларининг халқаро экология ташкилотлари, БМТ тузилмалари, жумладан, ЮНЕП, ЮНИСЕФ ва бошқа ташкилотлар, мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматлари, халқаро жамоатчилик минтақада экологик барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, «Талко» ДУКнинг ҳалокатли таъсири зонасида яшаётган аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича шошилинч чоралар кўриши учун ушбу муаммога уларнинг эътиборини жалб қилиш зарур, деган фикри таъкидланган.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принцип ва нормалари, халқаро ҳуқуққа оид ҳужжатлар, БМТнинг инсон саломатлиги, унинг хавфсиз атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳужжатлари эътиборга олинган ҳолда, мазкур корхона чиқараётган заҳарли моддаларнинг салбий трансчегаравий таъсирини бартараф этиш йўлларини топиш учун халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, Ўзбекистон ва Тожикистон жамоатчилигининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда «Талко» чиқараётган заҳарли моддаларнинг минтақа табиий муҳити ва аҳоли саломатлигига ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида улкан ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. 2010-2012 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун ва Олтинсой туманларида кўплаб кўп тармоқли туман поликлиникалари ва даволаш-профилактика муассасалари, элликдан ортиқ қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Уларнинг ҳаммаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан қабул қилинган 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитини муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурининг амалга оширилиши ҳам салмоқли натижалар бермоқда.

Халқаро семинар қатнашчилари БМТ муассасалари, мамлакатлар ҳукуматлари ва халқаро экологик ташкилотларни Ўзбекистон Республикасининг, хусусан, парламенти, Экологик ҳаракати, кенг жамоатчиликнинг «Талко» ДУК ишлаб чиқариш фаолиятининг экология ҳамда одамлар саломатлигига ҳалокатли таъсирини бартараф этишга доир саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ТОЖИКИСТОН «ТАЛКО» ДУК КОРХОНАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИ ЭКОЛОГИЯГА ВА ОДАМЛАР СОҒЛИҒИГА КЎРСАТАЁТГАН ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Фторидларнинг сабзавотлар ва меваларда, бошқа ўсимликларда тўпланиши йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан (ЙҚЮК) 11-19 баравар, буғдойда тўпланиши 5-6,5 баравар юқори. Ҳайвонлар организмида ўнгланмас физиологик ўзгаришлар юз бермоқда – уларнинг тишлари тушиб кетмоқда, илик суяклари қийшайиб кетмоқда, бўғимлар зарарланмоқда, шунинг натижасида йирик ва майда моллар бош сони қисқармоқда, соғиб олинаётган сут миқдори камаймоқда, гўшт-сут маҳсулотларининг сифати ёмонлашмоқда. Тадқиқотлар натижасида сут таркибидаги фтор нормадан 9-13 баравар, гўшт таркибида 10,9 фоиз юқори эканлиги аниқланган. Буларнинг барчаси одамлар ҳаёти ва соғлиғига жиддий таҳдид туғдирмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг баҳолашича, «Талко» ДУК томонидан биргина охирги 5 йилнинг ўзида етказилган умумий иқтисодий зарар 447,3 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, алюминий корхонасининг деярли 40 йиллик фаолияти давомида минтақа иқтисодиётига, одамлар соғлиғига ва атроф-муҳитга етказилган ҳақиқий зарарни аниқлашнинг имкони йўқ.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон томони доимий равишда мурожаат қилаётган бўлишига қарамай, Тожикистон томонидан халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари, шу жумладан, Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича декларациянинг (Рио-де-Жанейро, 1992 йил 14 июнь) қоидалари, шунингдек, икки томонлама битимлар доирасида қабул қилинган халқаро мажбуриятлар бажарилмаётир.

Чунончи, Ўзбекистон ва Тожикистон парламентлари депутатлик гуруҳлари қўшма мажлисининг 1991 йилда қабул қилинган қарори бажарилмай қолиб кетди. Бу қарорга мувофиқ заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини қисқартириш, шу жумладан, 100 та электролизер ишини тўхтатиш, «экологик нохушлик ўчоғини зарарсиз ишлаб чиқаришга айлантириши ҳамда иккала республика аҳолисини, Сурхон ва Ҳисор воҳаларида истиқомат қилаётган миллатлар вакилларини экологик ҳалокатдан асраб қолиши» керак бўлган бошқа тадбирларни рўёбга чиқариш назарда тутилган эди.

1994 йил 17 ноябрдаги «Тожикистон алюминий заводининг салбий таъсир зонасидаги экологик вазиятни яхшилашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон-Тожикистон ҳукуматлараро Битими ҳам бажарилмай қолиб кетди.

Мустақил экспертлар, халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг хулосасига кўра, минтақада экологик вазият ёмонлашиб бораётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Айни пайтда атроф-муҳитни ифлослантириб, минтақадаги экологик вазиятни мушкуллаштиришга чек қўйишга доир зарур чоралар қабул қилишга чақираётган халқаро жамоатчилик, халқаро экологик ташкилотларнинг талаблари бутунлай эътиборга олинмаётир. Чунончи, «Талко» ДУК трансчегаравий чиқиндилари Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари атроф-муҳитига ва аҳолиси соғлиғига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлиги туфайли вужудга келган экологик вазият муносабати билан ушбу масалани ўз мажлисида кўриб чиққан Бельгия парламентининг аъзолари, Латвия парламентининг депутатлари, БМТ атроф-муҳит бўйича дастурининг (ЮНЕП), Европа ва Осиёдаги бир қатор экологик жамоат ташкилотларининг экспертлари салбий фикр билдирдилар.

2012 йилда Жаҳон банки шафелигида ўтказилган аудиторлик текширувларининг материаллари «Талко» ДУК асосий ишлаб чиқариш техникасининг ресурслари тугаганлигидан, ускуналарнинг табиий равишда жисмонан эскириши юз берганлигидан, асосий ишлаб чиқаришни модернизация қилиш тугалланмаганлигидан, шу тариқа унинг хавфсизлиги ва экологик жиҳатдан тозалиги таъминланмаганлигидан далолат беради.

Халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг минтақада экологик вазият ёмонлашиб бораётганлиги ҳақидаги кўп сонли хулосаларига қарамай, Тожикистон томонидан турли даражаларда тақдим этилаётган материалларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мурожаатига Тожикистон парламенти қуйи палатаси – Мажлиси намоядагон Мажлиси Оли раҳбариятининг 2013 йил 10 июндаги жавобида экология соҳасида вужудга келаётган вазият ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича оғирлашиб бораётган аҳвол инкор этилади. Айни вақтда мустақил экспертларнинг материалларида қайд этилаётган амалдаги ҳолат, шунингдек, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология ва гигиена илмий-тадқиқот институти ҳамда профилактик тиббиёт илмий-тадқиқот институти каби Тожикистоннинг нуфузли институтлари томонидан олиб борилган изланишлар «Талко» ДУК чиқиндиларининг таъсир зонасида вазият оғирлашиб бораётганлигидан далолат беради. Хусусан, Тожикистоннинг Турсунзода тумани, Ҳисор водийсидаги текширувдан ўтган катта ёшли аҳолининг умумий касалланиши, шунингдек, болаларда флууороз тарқалиши, аҳоли пункти «Талко» ДУКдан қай даражада узоқдалигига қараб 2001 йил ҳолатига кўра, 46 фоиздан 16,1 фоизгача ўзгаради. Тожикистоннинг Турсунзода туманида болалардаги туғма аномалиялар бошқа ҳудудлардагига қараганда уч баравар кўп учрайди.

Ўз-ўзидан равшанки, тобора оғирлашиб бораётган, Тожикистоннинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам экологияси ва аҳолиси соғлиғига катта зарар етказаётган шундай кенг кўламли муаммога бундай муносабатни нормал деб ҳисоблаш мумкин эмас.

«Талко» ДУК саноат чиқиндиларининг ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида Ўзбекистонда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2010-2012 йиллар даврида Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё, Узун ва Олтинсой туманларида энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бир қатор кўп тармоқли туман поликлиникалари ва даволаш-профилактика муассасалари фойдаланишга топширилди, 54 та қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) ташкил этилди. Ушбу масалаларни ҳал қилишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастури катта аҳамиятга эга.

«Талко» ДУК ишлаб чиқариш фаолияти туфайли оғир сурункали ва патологик касалликлардан, экологик муҳитнинг ўнглаб бўлмас даражада ўзгаришларидан жафо чекаётган одамларнинг соғлиғига ва аҳоли генофондига етказилаётган жуда катта зарарнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганлигидан қаттиқ ташвиш билдириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари қуйидагиларни кечиктириб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар:

Биринчидан, Ўзбекистон ҳудуди доирасида «Талко» ДУК чиқиндиларининг одамлар соғлиғига ва табиий муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда камайтириш, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўриш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий нормалар, ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш.

Иккинчидан, барча манфаатдор халқаро экологик ташкилотлар, БМТ тузилмалари, парламентлар, ҳукуматлар ва халқаро жамоатчиликнинг эътиборини «Талко» ДУКнинг фаолият зонасидаги тобора оғирлашиб бораётган экологик ҳалокатни бартараф этишга, ушбу зарарли ҳамда одамлар соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартириш бўйича шошилинч чоралар кўришга қаратиш.

Учинчидан, биз ишонамизки, вужудга келган аҳволдан қутилиш йўли бўлиши керак ва у албатта топилади. Трансчегаравий ифлослантириш муаммолари халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларини, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, БМТ тегишли қарорларининг инсон саломатлигини, унинг тоза атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши мумкин ва керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Тожикистондаги юз минглаб аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, ушбу минтақада яшайдиган ва меҳнат қиладиган келгуси авлодларнинг тақдири мазкур масалаларнинг тезроқ ҳал қилинишига боғлиқ.

Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 22 август

СЎЗ – ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ева ВИЕТСМА, Вагенинген университетининг сув ва иқлим муаммолари бўйича халқаро маркази лойиҳа раҳбари, профессор (Голландия):

– Бундан уч йил аввал Тожикистон алюминий заводининг Ўзбекистоннинг Сариосиё ва Узун туманларига етказаётган зарарига бевосита гувоҳ бўлган ва жуда ачинган эдим. Бу гал ҳам мазкур худуд шароити билан танишиб, ушбу заводнинг Ўзбекистоннинг айрим туманларига етказаётган зарарини кўриб, бутун вужудимни титроқ босди. Завод чиқараётган заҳарли чиқиндилар одамларнинг умрини хазон қилмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот нобуд бўлаётир. Сўнгги беш йилда биргина Сариосиё туманида ўлик туғилган чақалоқлар сони 7,7 баробар кўпайган. Бундай вазиятга энди асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу каби муаммоларни зудлик билан ҳал этиш зарур. Биз корхонани қайта ихтисослаштириш, эскирган ускуналарни модернизация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эришмоғимиз лозим. Бунинг учун аллақачон эскирган технологияларни экологик тоза технологиялар билан янгилаш зарур. Бу нафақат бир мамлакат, балки бутун Марказий Осиёнинг муаммосидир. Шу боис минтақадаги барча мамлакатлар ва халқаро ҳамжамият ўзаро ҳамкорликда бу мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини топмоғи даркор.

Александр САКОВСКИС, Латвия парламенти депутати, "Келишув маркази" фракцияси ва Европа Парламент Ассамблеяси кенгашидаги Латвия делегациясининг аъзоси (Латвия):

– Бундай аянчли фожиага илк бор гувоҳ бўлиб турибман. "Талко" алюминий заводининг Ўзбекистондаги айрим ҳудудлар аҳолисига, айниқса, болалар саломатлигига жиддий зарар етказаётгани жуда ачинарли. Заводдан чиқаётган заҳарли газлар таъсирида болаларнинг ногирон бўлиб дунёга келиши, хотирасининг заифлашиши, шунингдек, аҳолининг камқонлик, саратон ва жигар церрози каби дардларга чалиниши, ўлим кўрсаткичининг ошиши ғоят ташвишли ҳолдир. «Талко» ДУКда алюминий ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган эски технологиялар Европадаги шундай ишлаб чиқариш технологияларига мутлақо мос келмайди. Алюминий ишлаб чиқаришдан олинган даромадни инсон ҳаёти билан таққослаб бўлмайди. Биз мазкур муаммони ҳал этишда ёрдам беришимиз ва бунинг учун барча халқаро ҳуқуқ механизмларини ишга солиш, жаҳон, хусусан, Европа ҳамжамиятига мурожаат қилиш зарур. Тожикистон алюминий заводининг кўрсатаётган зарарли таъсирини бартараф этиш нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун минтақа, ҳатто дунёнинг долзарб муаммосидир. Жаҳон ҳамжамияти бир ёқадан бош чиқариб, изчил ташаббус кўрсатган ҳолда зудлик билан бу муаммоларнинг самарали ечимини топиши керак. Мазкур халқаро семинар бу борада ўзининг ижобий натижасини беради, деган умиддаман.

Такэхиса МАЦУКАВА, "Juntedo" университетининг эпидемиология ва атроф-муҳит факультети профессори (Япония):

– Экологик муаммолар чегара билмайди, мамлакат танламайди. Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган заҳарли моддалар Ўзбекистоннинг айрим туманларида экологик мувозанатни издан чиқараётганига гувоҳ бўлдик. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Экологик муаммоларнинг олдини олиш ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда иш юритиш тақозо этилади.

Сариосиё туманидаги экологик вазиятни кўздан кечирар эканмиз, Тожикистон алюминий заводи қувурларидан чиқаётган заҳарли тутун Ўзбекистон томонга келаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ушбу заҳарли моддалар таъсиридан азият чекаётган туманларнинг бир миллионга яқин аҳолиси саломатлигига мунтазам ва жиддий зиён етаётир. Шунингдек, унинг қишлоқ хўжалиги тараққиётига, хусусан, чорвачилик ва боғдорчиликка катта зарар етказгани ҳам аянчлидир. Бу мазкур худудни иқтисодий таназзулга олиб келиши мумкин. Буларнинг барчасига ушбу заводдаги технологияларнинг жуда эскириб кетгани сабаб бўлмоқда. Алюминий корхонасининг ишлаб чиқариш технологиялари зудлик билан модернизация қилиниши зарур. Бу атроф-муҳитга етказилаётган ҳалокатли зарарни муайян миқдорда камайтириш имконини беради. Япония бу борада катта тажрибага эга ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда Тожикистон алюминий корхонаси чиқиндиларининг салбий таъсирига дучор бўлган одамларга антропоген таъсирни камайтиришга қаратилган лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш имкониятини кўриб чиқиш, бунинг учун университетимизнинг етакчи мутахассисларини, Японияннинг йирик жамғармалари маблағларини жалб этишга тайёрмиз. Халқаро ҳамжамият ўз эътиборини ушбу минтақада юзага келган экологик муаммони ҳал этиш йўлларини топишга қаратиши даркор.

Жон ВЕЙВЕРЛИ, Буюк Британия парламентининг лордлар палатаси аъзоси, "Британия-Ўзбекистон" умумпартия парламент гуруҳи раиси (Буюк Британия):

– Мазкур халқаро семинар доирасида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва бошқа туманларида юзага келган экологик вазиятни бевосита ўзимиз кузатиш имкониятига эга бўлдик. Ушбу туманлар аҳолиси «Талко» ДУК фаолияти оқибатида жиддий азият чекмоқда. Ўзбекистон томон эсаётган ҳаво оқими ўта заҳарли кимёвий моддаларни олиб келмоқда. Бу эса экологик мувозанат бузилиши, ҳавонинг ифлосланиши, экинлар ҳосилдорлигининг камайиши ва чорвачилик унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлаётир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ушбу туманлар аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдик. Бироқ бу вазиятни батамом барқарорлаштириш, кўп йиллардан буён маҳаллий аҳолини қийнаб келаётган мазкур жиддий муаммони тўла-тўкис ҳал этиш фақат Ўзбекистоннинг ўзигагина боғлиқ эмас. Ушбу ҳолатга бефарқ қараб бўлмайди. Мазкур муаммони аллақачон ҳамжиҳатликда ҳал этиш зарур эди. Шу боис Ўзбекистоннинг ушбу масалани ижобий ҳал қилиш, унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини мазкур масала ечимига қаратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари энг тўғри йўлдир.

Дидье ШАДЕ, Европа бўйича прогноз ва хавфсизлик масалалари таҳлил институти тадқиқотчиси (Франция):

– Тожикистон алюминий заводи таъсирида Ўзбекистоннинг Сариосиё ва бошқа туманларида вужудга келган аянчли ҳолат билан танишиб, жуда ачиндим. Бундай муаммога беэътибор ва бефарқ қараб бўлмайди. Мамлакатингиз раҳбарияти аҳволни яхшилаш учун кўплаб чора-тадбирларни амалга ошираётганининг гувоҳи бўлдик. Бироқ узоқ йиллик бу муаммони бартараф этиш биргина Ўзбекистонга боғлиқ эмас. Шу боис жаҳон ҳамжамияти бирлашган ҳолда, ушбу муаммонинг мақбул ечимини топиши лозим. Ҳеч бир мамлакат ўз фойдаси ва манфаатини кўзлаб, бошқа бир мамлакат тараққиётининг издан чиқишига сабабчи бўлишга ҳаққи йўқ.

Денов, Сариосиё, Узун ва бошқа туманлар экологиясини яхшилаш, атроф-муҳитга етказилаётган зиённи камайтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон амалга ошираётган ислоҳотлар, илгари сураётган ташаббуслар ҳамда халқаро ҳамжамиятни жалб этиш борасидаги ишлар юксак эътироф ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муносибдир.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ ёзиб олди.

○ Эълонлар

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 24 сентябрь куни соат 10:00 да ўтгазиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари ва техникалар қўйилмоқда: Фарғона тумани СИБ томонидан хатланган: Фарғона тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган: ЖИБ Қува тумани судининг 18.01.2013 й.ги 1-290-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Ваз-2101" русумли, ранги оқ, д/р 40 S 595 АА, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 2 472 744 сўм; ЖИБ Фарғона тумани судининг 07.01.2013 й.ги 1-3-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Уаз-469Б" русумли, ранги қора, д/р 15 М 2541, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 1 703 149 сўм; ЖИБ Фарғона тумани судининг 25.06.2012 й.ги 1-123-сонли ижро ҳужжатига асосан, Фарғона тумани "Дилнозахон савдо"да сақланаётган, 2008 й. и/ч "Нексия" русумли, ранги оқ, д/р 40 А 944 ЕА, бошланғич баҳоси 20 880 027 сўм; ЖИБ Марғилон шаҳар судининг 05.04.2012 й.ги 1-72-сонли ижро ҳужжатига асосан, Қувасой шаҳар ИИБда сақланаётган, "Москвич 2140" русумли, ранги оқ, д/р 15 Р 2764, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 603 329 сўм; Учкўприк тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти Хўжалик тумани судининг 13.09.2007 й.ги 15-07-07/7826-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Учкўприк тумани МТП ДАЖ да сақланаётган: 1977 й. и/ч "Газ-53" русумли, д/р 15 AD 378, бошланғич баҳоси 9 766 106 сўм, 1990 й. и/ч "Газ-5201" русумли, д/р 15 AI 089, бошланғич баҳоси 13 021 474 сўм; Қувасой шаҳар СИБ томонидан хатланган: ЖИБ Қувасой шаҳар судининг 23.8.2012 й.ги 1-90/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Қувасой шаҳридаги 9229-Д ҳарбий қисмда ва Қувасой шаҳар "ГРЕС" шўъба корхонасида сақланаётган: и/ч йили номаълум "Москвич 2137" русумли, ранги оқ, д/р 15 I 9628, бошланғич баҳоси 567 073 сўм, 1987 й. и/ч "М-412" русумли, ранги оқ, д/р 40 986 НАА, бошланғич баҳоси 1 716 066 сўм; ЖИБ Қувасой шаҳар судининг 27.02.2012 й.ги 1-17/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Қувасой шаҳар ИИБда ва Қувасой шаҳар "ГРЕС" шўъба корхонасида сақланаётган: 1988 й. и/ч "Камаз" русумли, д/р 40 357 КАА, бошланғич баҳоси 29 554 470 сўм, и/ч йили номаълум "Тойота Камри" русумли, д/р 40 987 НАА, бошланғич баҳоси 38 080 616 сўм; "ВУ-304-2" русумли прицеп, бошланғич баҳоси 1 012 953 сўм, "Автокран", бошланғич баҳоси 9 454 228 сўм, 1975 й. и/ч "Ваз-2103" русумли, д/р 40 107 НАА, бошланғич баҳоси 2 823 595 сўм, "Пулуг", бошланғич баҳоси 2 549 024 сўм, "Культиватор", бошланғич баҳоси 3 472 039 сўм; Ёзёвон тумани СИБ томонидан ЖИБ Қува тумани судининг 24.05.2013 й.ги 1-60-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Ёзёвон тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган, 1996 й. и/ч "Тико" русумли, ранги қизил, д/р 40 L 860 ЕА, бошланғич баҳоси 11 000 000 сўм; Қува тумани СИБ томонидан хатланган: ЖИБ Фарғона вилоят судининг 28.09.2010 й.ги 07/19039-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1986 й. и/ч "Т-28Х4М" русумли трактор, ранги кўк, д/р 0255 ФР, бошланғич баҳоси 1 625 144 сўм; ЖИБ Фарғона вилояти судининг 14.09.2011 й.ги 15-11-04/25575-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Олмидинхожи Мадраҳимов" МЧЖ ММТПда сақланаётган, 1982 й. и/ч "Т-28Х4М" русумли трактор, ранги кўк, д/р 0132 ФР, бошланғич баҳоси 2 223 799 сўм; ЖИБ Фарғона вилояти судининг 19.08.2011 й.ги 15-11-09/22724-сонли ижро ҳужжатига асосан, Қува тумани "Қишлоққўжаликкимё" шўъба корхонасида сақланаётган, 1993 й. и/ч "Т-28Х4М-А" русумли трактор, ранги кўк, д/р 0684 ЕМ, бошланғич баҳоси 7 416 604 сўм; Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Риштон тумани судининг 25.06.2012 й.ги 1-117-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Марғилон шаҳар Наврўз МФЙ Саккокий кўчаси, 2- уйда сақланаётган: 1997 й. и/ч "Тико" русумли, ранги хаворанг, д/р 40 953 ЕАА, бошланғич баҳоси 9 828 478 сўм, 2000 й. и/ч "Тико" русумли, ранги яшил, д/р 40 957 ЕАА, бошланғич баҳоси 10 630 040 сўм, 1993 й. и/ч "Ваз-21063" русумли, ранги оқ, д/р 40 965 ЕАА, бошланғич баҳоси 4 539 756 сўм, 1986 й. и/ч "Маз-5549" русумли, ранги сариқ, д/р 40 964 ЕАА, бошланғич баҳоси 6 727 856 сўм, 1985 й. и/ч "Маз-5549" русумли, ранги хаворанг, д/р 40 952 ЕАА, бошланғич баҳоси 6 554 054 сўм, 1986 й. и/ч "Маз5549" русумли, ранги сариқ, д/р 40 966 ЕАА, бошланғич баҳоси 6 554 054 сўм, 1976 й. и/ч "Газ-5204" русумли, ранги жигарранг, д/р 40 958 ЕАА, бошланғич баҳоси 3 496 016 сўм, 1977 й. и/ч "Газ-5204" русумли, ранги жигарранг, д/р 40 960 ЕАА, бошланғич баҳоси 3 496 016 сўм, 1976 й. и/ч "Краз-257 К" русумли, ранги яшил, д/р 40 9574 ЕАА, бошланғич баҳоси 12 662 921 сўм; Худудий бошқарма СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 08.08.2012 йилдаги 2-50/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Олтиариқ тумани Дўстлик кўчаси "КМК-1" корхонасида сақланаётган: 1974 й. и/ч "Ваз-2101" русумли, д/р 15 AD 518, бошланғич баҳоси 3 668 044 сўм, 1986 й. и/ч "Камаз-5511" русумли, д/р 15 AN 823, бошланғич баҳоси 29 268 720 сўм, 1981 й. и/ч "Маз-500" русумли, д/р 15 AN 821, бошланғич баҳоси 32 550 800 сўм, 1986 й. и/ч "Зил 133 ГЯ" русумли, д/р 15 AN 788, бошланғич баҳоси 38 109 552 сўм, 1984 й. и/ч "Камаз-5511" русулм, д/р 15AN 783, бошланғич баҳоси 29 268 720 сўм, 1985 й. и/ч "М-21251010" русумли, д/р 15 AD 521, бошланғич баҳоси 2 276 456 сўм, 1990 й. и/ч "Форд" русумли, д/р 15 AN 748, бошланғич баҳоси 11 813 961 сўм, 1982 й. и/ч "Маз-504 Р" русумли, д/р 15 AN 378, бошланғич баҳоси 5 954 618 сўм, 1988 й. и/ч "Фордтранзит" русумли, д/р 15 AN 795, бошланғич баҳоси 11 813 961 сўм, 1985 й. и/ч "Краз 250" русумли, д/р 15 AN 148, бошланғич баҳоси 4 472 715 сўм, 1976 й. и/ч "Маз-503 А" русумли, д/р 15 AN 140, бошланғич баҳоси 8 130 200 сўм, 1984 й. и/ч "Ваз-21013" русумли, д/р 15 AD 314, бошланғич баҳоси 3 394 955 сўм, 1988 й. и/ч "Кавз-9368" русумли, д/р 15 В 996, бошланғич баҳоси 2 146 903 сўм, 1985 й. и/ч "Одаз-935" русумли, д/р 15 В 804, бошланғич баҳоси 11 382 903 сўм, 2007 й. и/ч "Dong Febg" русумли, ранги ҳаворанг, д/р 15 AN 877, бошланғич баҳоси 118 796 000 сўм, 1966 й. и/ч "Маз-500" русумли, д/р 15 AN 680, бошланғич баҳоси 5 436 000 сўм, 1987 й. и/ч "ИЖ 2715014" русумли, ранги оқ, д/р 40 037 ВАА, бошланғич баҳоси 2 276 456 сўм, 1989 й. и/ч "Одаз-9357" русумли, д/р 15 Е 803, бошланғич баҳоси 3 727 000 сўм, 1998 й. и/ч "ГБА СНГ ДЕУ" русумли, ранги оқ, д/р 15 AD 001, бошланғич баҳоси 7 377 000 сўм, 1973 й. и/ч "Ваз-2101" русумли, ранги оқ, д/р 15 Е 2661, бошланғич баҳоси 2 268 000 сўм; Қўштепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Қўштепа тумани судининг 12.01.2013 йилдаги 1-52-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, "Матиз" русумли, ранги жигарранг, д/р 40 Z 604 DA, бошланғич баҳоси 15 300 000 сўм; Қувасой шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти хўжалик судининг 03.05.2012 йилдаги 15-12-09/7520-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, "Камаз-5410" русумли, ранги қизил, д/р 15 АО 087, бошланғич баҳоси 15 709 600 сўм; Қува тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти хўжалик судининг 19.08.2011 йилдаги 15-11-09/22720-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Қува тумани Пахта завод кўчаси, 1-уйда сақланаётган: 1998 й. и/ч "2 ПТС" русумли прицеп, д/р 21-72 ЕМ, бошланғич баҳоси 1 189 937 сўм, 1998 й. и/ч "2 ПТС" русумли прицеп, д/р 10-51 ЕМ, бошланғич баҳоси 1 189 937 сўм, 1990 й. и/ч "Тойота" русумли, д/р 15 АК 422, бошланғич баҳоси 3 249 696 сўм, 1991 й. и/ч "Т-28" русумли трактор, д/р 20-06, бошланғич баҳоси 2 371 974 сўм, 1990 й. и/ч "Т-28" русумли трактор, д/р 20-05, бошланғич баҳоси 2 371 974 сўм, 1990 й. и/ч "ДШ-16" русумли трактор, д/р 20-21, бошланғич баҳоси 890 284 сўм, 1996 й. и/ч "Т-28" русумли трактор, д/р 45-43, бошланғич баҳоси 2 371 974 сўм, 1996 й. и/ч "Т-28" русумли трактор, бошланғич баҳоси 2 496 815 сўм.

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мулкларни сотиш бўйича такрорий савдо 10 октябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг «Савдогар» ОАТ банк Фарғона вилояти бўлими МФО: 00500 ИНН: 302083379, 20208000204932168003 ҳисобрақамига тўлаши ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; заклат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдолари Фарғона шаҳри Академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси 64а-уй, 16-хонада ўтказилади. Мурожаат учун тел: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома: 004059

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 19 августдаги №126-П-сонли буйруғи ва Нукус тумани ҳокимининг 2013 йил 2 мартдаги №136/3-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига меърос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидан 2 (икки) дона ер участкалари қайта аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. «Оқмангит» ПФЙ ҳудудидан Оқмангит посёлкаси 8-кварталидан №20, 22-сонли ер участкалари. Ушбу ер участкаларининг майдони 400 кв.м. бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 33 080 сўм.

Ушбу ер участкаларининг аукцион савдоси 2013-йил 23 сентябрь куни соат 11:00 да Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг мажлислар залида ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 18:00 гача Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Амир Темур кўчаси 112А-уй, 1-қават 117-хонада қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш Аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлар заколат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорда «Туран Ким-зыят саудасы» МЧЖ ОАТБ «Туран банк» Нукус филиали х/р: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО: 00585, ИНН: 301 273 292 закалат пули тўлашлари шарт. **Ишонч телефони:** (8-361) 222-00-84. **Расмий сайтимиз:** Turankzs.kr.uz. **Лицензия:** 0041.

Тошкент вил. Янгийўл туманидаги 67-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2013 й.да 9-синф битирувчиси Мухаммадалиева Садоқат Мухаммадали қизи номига берилган U № 6119178 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GALACT BUILDING" МЧЖ (СТИР 300829786) 22.08.2013 й.даги 2-сон қарорига асосан тугатилаётганини маълум қилади. Эътирозлар 1 ой давомида қабул қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 008512-08, 22.01.2013 й.) рўйхатга олинган "BUSINESS AND CAREER" МЧЖнинг (СТИР 302468562) номланиши "BUSINESS CAREER CONSULT" МЧЖга (таъсисчининг қарорига асосан) ўзгартирилмоқда. Даъволар Чилонзор т. Бунёдкор шох кўч. 44-уй манзили бўйича қабул қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК Юнусобод т. хизмати томонидан Якубова Мукаррама Мирджамаловна номига Юнусобод т. Тўрақўрғон кўч. № 38, 40, 42, 44-хонадон учун 30.11.2010 й.да берилган 10-07-07-02-02-6117 кадастр рақамли ер кадастр ҳужжатлари ва уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ROSSO MELOGRANA" МЧЖ ўз устав фонди 124 885 953 сўмдан 30 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" ДУК томонидан Тошкент ш. Олмазор т. Талабалар кўч. 2-уй манзилида жойлашган қаҳвахона (қисми), яъни объекти "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Тошкент вилояти минтақавий филиалига карашли объект кадастр ҳужжатлари 25.04.2011 й.да 8-185/2011 йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат А № 501435, выданный в 1991 г. шк. № 110 Мирабадского р-на г. Ташкента на имя Колбасина Ольга Геннадьевна, считать недействительным.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: Лисунова 2 д. 9 кв-ра 5 на имя Ким Ирины Павловны, выданный БТИ Хамзинского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.2012 й.даги "Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотлар сотиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 89-сонли қарор Тошкент шаҳар комиссияси томонидан "DILDORA OMAD BARAKA" МЧЖга 01.09.2012 й.да 783 сон билан СА 00764 серия ва рақамли бланка рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимининг 2013 йил 21 июндаги 01-02/338-339-сонли алоқа хатларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. "Маиший хизмат кўрсатиш" биноси қуриш учун Хатирчи тумани "Янги йўл" ҚФЙ "Кўксарой" массиви ҳудудидан 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 13 470 сўм.

2. "Шлакаблок ва тротуар плиткалар ишлаб чиқариш цехи" биноси қуриш учун Хатирчи тумани "Оқ олтин" ҚФЙ А.Навоий массиви ҳудудидан 400 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 62 920 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хатирчи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманоларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 25 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Хатирчи тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 26 сентябрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 26 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навбаҳор тумани ҳокимининг 2013 йил 17 августдаги 02/146-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. "Автотеххизмат ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари" қуриш учун Навбаҳор тумани "Янги йўл" ҚФЙ Пахтакор маҳалласи ҳудуди 433-контуридан 1000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 332 570 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навбаҳор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманоларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 26 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Навбаҳор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 27 сенятбрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 27 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

III. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий шаҳар ҳокимининг 2013 йил 21 августдаги 01-02/661-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. "Автотеххизмат" қуриш учун Навоий шаҳар Инспекторлар кўчаси ҳудудидан 600,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 410 400 сўм.

2. "Гўзаллик салони" қуриш учун Навоий шаҳар Спутник қўрғони "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш" мажмуаси ҳудудидан 73,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 49 932 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманоларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 27 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 30 сенятбрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 30 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нуса;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61; user07@inbox.uz. www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона

Сурхондарё Вилояти

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

УЛУҒ ЁШДА ҲАМ УЛУҒ ИШЛАР БОШИДА

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати бошқаларга ҳам юқади, ибрат бўлади. Кишилар беихтиёр уларга ўхшагиси, уларнинг ёнида ишлагиси келади. Бундай инсонлар элни тўплай олади, жамоани шакллантиради. Уларни ободликка, бунёдкорликка йўналтира олади. Деновлик Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев шундай инсон.

“Яратмоқ керак. Яратмоқ муҳим. Одамларга, юртга, Ватанга кераклигинг сезилсин. Буни ҳақиқий ишлаш деса бўлади. Ҳамма жон койитсин. Ишлайман деб, Яратаман деб. Бир ёқадан бош чиқариб, муштни бир жойга қўйиб. Шунда юртимиз янада гуллаб-яшнайди”.

Бу ҳам Иброҳим Файзуллаевнинг гапи. Тўғрироғи, иш тамойили. Ўзи ҳам шунга амал қилиб, жамоасини ҳам шунга ишонтириб, юксак натижаларга эришмоқда. Улуғ ёшда ҳам яратувчилик, бунёдкорлик борасида барчага ўрнак бўлиб келяпти.

ФАЙЗУЛЛАЕВНИНГ ИШИДА ФАЙЗ БОР

Ёшлик – шижоату жўшқинлик даври. Орзулар олами. Табиийки, уларнинг амалга ошиши учун ҳаракат, тинимсиз изланиш, мустаҳкам ирода талаб этилади. Унда эса барчаси мужассам эди.

У хўжаликда темирчи бўлиб иш бошлади. Отларга тақа ясарди. Пишиқ ва пухта йигитни билиб юришган экан, табелчиликка ўтказишди. Пахтачилик бригадасига етакчи керак бўлиб қолганда эса қишлоқ қайвониларидан бири айтиб қолди: шу йигит эплайди. Ҳали мутахассислик маълумоти йўқ эди. Лекин илмга қизиқиши баланд, тажрибаси етарли эди. Шундай қилиб, жамоага бош бўлди. Бу орада олий ўқув юртини битириб чиқди: олий маълумотли агроном бўлди. Ташкилотчилиги, билими билан назарга тушди. Хўжаликда агроном, бош агроном бўлиб ишлади. Туманда масъул вазифаларда фаолият юритди. Кейин эса шу хўжаликка раҳбар этиб тайинланди. Раҳбарлик эса анчайин мураккаб иш, катта масъулиятли вазифа. Шу боис, у бутун маҳоратини, меҳнатини, шижоатини, билимини ишга солди. Бошқалардан тажриба ўрганди. Раҳбар дегани эл каттаси дегани эди. Элнинг эса ташвиши кўп бўлади. Яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам ёнида туриши керак. Қолаверса, кишиларнинг кўнглини олиш, уларни эртанги кунга ишонтириш, меҳнатга муносабатини юксалтириш зарур эди. Иброҳим Файзуллаев буни биларди ва шунинг учун барчасини эплади. Эл кўнглини олди, хўжалик иқтисодини кучайтириш учун барча имкониятларни ишга солди. Тез орада хўжалик пахта ҳосилдорлиги бўйича нафақат туманда, балки вилоятда олди ўринларга чиқиб олди. Тилга тушди, танилди. Одамлар у ҳақда гапиришганда кўпинча шу иборани тилга олишарди: “Файзуллаевнинг ишида файз бор-да”.

Ўша даврда, яъни пахта яккаҳокимлиги авж олган йилларда, бир парча ер топилса, ҳаттоки, мактабу боғча ҳовлисига ҳам “пахта эк” деб турилган бир пайтда, унинг ташаббуси ва сўзида қатъийлиги билан боғлар ташкил этилди. Элга қайишиш ҳисси унинг юрагида жасорат билан боғлиқ эди. Бу жасорат мустақиллик остонасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида янада ёрқин намоён бўлди. Депутат сифатида эл дардини олиб чиқди, юрт истиқболи учун курашди.

Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу.

Ислом КАРИМОВ

ИЛМНИ АМАЛИЁТГА ПАЙВАСТА ЭТИБ...

Иброҳим Файзуллаев илмни амалиётга пайваста этиб келаётган фидойи инсонлардан биридир. Узоқ йиллардан буён уруғчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Бунинг эса масъулияти жуда катта. Ахир эртага нафақат ўз хўжалигининг, балки бошқаларнинг ҳам ҳосили тақдири унинг зиммасида туради-да. Сара уруғ – сара ҳосил деган ибора бежизга чиқмаган.

– Жорий йилда ғалла ҳосилдорлигини 100 центнердан оширган фермерларимизни кўриб, эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлдим, – дейди Иброҳим ака. – Бунинг асосий омилини – уруғчиликка қаратилган эътиборда деб биламан. Касаллик ва зараркундаларга чидамли, юртимиз тупроғи ва иқлим шароитига мос, ҳосилдор навлар яратиляпти. Бу жараённи такомиллаштириш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Пахтачиликда ҳам шу жараённи кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида селекционер олимларимиз томонидан 162 та янги ғўза нави яратилди. Булардан 45 таси Ўзбекистон Давлат реестрига киритилди ва ҳудудларда экишга тавсия этилди. Янги яратилган навлар серҳосил, тезпишар, барча кўрсаткичлар бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб беради, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тупроқ шароити инобатга олиниб яратилган. Шу боис ҳам, ўзбек пахтасининг шуҳрати дунёга кетмоқда. Мана шу жараёнда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Моҳир деҳқон ҳар бир ишни эртасини ўйлаб амалга оширади. Айниқса, агротехник тадбирларни оби-тобида йўлга қўяди. У яратган тўртта ғўза навлари мана шундай ишлар ҳосиласи бўлди.

Навшунослик ҳам ижодкорлик. Заҳматли меҳнатни талаб этади. Худди асар ёзган сингари нав ҳам яратилади. Ёзувчининг асосий қуроли қоғоз ва қалам. Асар эса тафаккур маҳсули. Навшунослик ҳам шундай битта асос бор. Дейлик, ғўза. Бугунги кунда республикамиз далаларида қанча нав экилди. Аммо уларнинг асоси ўрта толали, ҳосилдор G.hirzutum L туридир. Бу тур икки ёввойи ўзаро табиий дурагайлаш натижасида пайдо бўлган, икки тур генетик имкониятларини ўз ичига олган. Энди мушоҳада қилиб кўринг, хўш, ундан бошқа ғўза навини яратиш учун қанчалик чуқур фундаментал билим, узоқ изланиш, тажриба ва синовлар керак. Яна бир жиҳат шундаки, бир навни тайёрлаш, уни жорий этишга йиллар зарур. Бу эса сабру тоқат, мукаммал илм ва матонатли иродани талаб этади. Бу хислатларнинг барчаси Иброҳим аканинг доимий ҳамроҳи, ҳаёт фалсафаси. Унинг бир гапи бор: янгиликдан, янгилик қилишдан қўрқмаслик керак, изланиш бор жойда юксалиш бўлади.

Албатта, изланишлар бесамар кетмайди. Янгиликлар ривожланишга хизмат қилади. Фан ва амалиёт уйғунлиги эса тараққиёт сари етаклайди.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Бугун фермер – қишлоқда етакчи кучга, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган инсонга айланмоқда.

Иброҳим аканинг фаолиятини таҳлил этсангиз ҳам бунга амин бўласиз. Фермерлик ҳаракати эндигина бошланган кезларда у “Иброҳим” фермер хўжалигини ташкил этди. Ўтган даврда хўжаликда ўсиш суръатлари барқарор таъминланиб келинди. Даромад ошгани сайин хўжаликнинг ҳам, аъзоларининг ҳам манфаатдорлиги ошиб борди. Энг муҳими, хўжаликнинг моддий-техникаси мустаҳкамланди. Тракторлар, механизмлар, агрегатлар олинди.

Фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йиллардаёқ биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этиш, яна уни энг илғорлар сафига олиб чиқиш – булар ўз-ўзидан бўлган иш эмас. Чунки фермерликнинг юки оғир. Елкадаги жавобгарлик юки нафақат етиштирилган ҳосил, балки орият, виждон билан ўлчанади. Буни кўтармоқ ҳаммага тан эмас. Шу пайтга қадар фермерман, ер эгасиман деб кимлар ишламади. Ҳатто баъзилар вақтинчалик қийинчиликлардан ўтолмай, кетмонни далада қолдириб, сафдан чиқди. Аммо “Иброҳим” фермер хўжалиги ўтган йиллар давомида ҳар жиҳатдан ўсди, юксалди.

Бугунги кунда хўжаликнинг ер майдони 310 гектарни ташкил этади. Хўжалик тармоқлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу йил ғалла ҳосилдорлиги салкам 80 центнерга етди. Пахтадан ҳам мўл ҳосил олинишга шубҳа йўқ. Ғўза ривожи шундан дарак бермоқда. Айни пайтда ғўза майдонларида сўнгги агротехник тадбирлар амалга оширилаётир. Қолаверса, 250 бош қорамол парваришланмоқда. Уларнинг маҳсулдорлиги ҳам йил сайин ошиб бормоқда.

– Фермерлик ривожига қаратилаётган юксак эътибор биз, мулкдорларни фақат хомашё етиштириш билан чекланмай, уни қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш ишларини янада кенгайтиришга ундайди, – дейди Иброҳим ака. – Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига биноан кенгашларнинг ташкил этилиши, фермер хўжаликларига ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник маслаҳатлар берадиган консалтинг марказлари, чорва учун хизмат кўрсатувчи ветеринария шохобчаларининг кўпайтирилиши кўнглимиздаги иш бўлди. Бу фаолиятимизни тўғри ташкил этиш ва соҳани ривожлантиришда биз, фермерларга катта ёрдам беради. Фармонда, айниқса, кўп тармоқлиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани айни муддаодир. Хусусан, қайта ишлаш даромадни икки баробар оширади. Шу боис, сут ва гўштни қайта ишлайдиган технологияни ишга туширмоқчимиз. Мева-сабзавотни сақлайдиган совиткич бунёд этяпмиз. Буларнинг барчаси кўплаб янги иш ўринлари ҳам демакдир. Фермер – қишлоқ мулкдори деймиз. У нафақат қишлоқ мулкдори, балки қишлоқнинг энг илғор кишиси ҳам бўлиши керак. Ана шунда хўжалик тараққий этади.

Улуғ ёшида ҳам улуғ ишларнинг бошида турган Иброҳим Файзуллаев ана шундай одам. Бу инсон амалга оширган эзгу ишлари ҳақида қанча гапирсангиз, шунча кам. Қай бирини айтмоқ керак: тўртта янги пахта нави яратганиними ёки элни тўплаб, Сангардак дарёси тошлоғида ҳосилдор тупроқ ташиттириб ер очганиними? Ё бўлмаса “Денов уруғчилик” хўжалигини ташкил этганию қатор фирма ва корхоналар очганини айтайликми? Унинг яратувчанлик иштиёқи билан яшаб, боғ яратганининг ўзи бир мавзу. Эҳ-е, қаҳрамонимиз бу каби яратувчанлик ишларининг қанча-қанчасининг бошида турмади дейсиз.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев қутлуғ 80 ёшни қарши олмоқда. Инсоннинг юртга, элга меҳри баланд бўлса, улуғ ёшда ҳам шижоати юксак бўлар экан, худди Иброҳим Файзуллаев сингари.

Иброҳим Файзуллаевнинг оиласидан ҳам ибрат олса арзийди. Фарзандлар, набиралар ҳам элу юрт хизматига камарбаста инсонлар бўлиб вояга етишмоқда. Энг муҳими, қандай жабҳада хизмат қилишмасин, эл коригa яраш, юртни равнақ топтиришга ҳисса қўшиш нияти билан яшаш уларга аждодларидан мерос бўлиб келмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Жонкуяр раҳбар, моҳир деҳқон Иброҳим Файзуллаев мамлакатимиз, хусусан, қишлоқ хўжалиги равнақи йўлида катта хизмат қилди. Фидойи меҳнати ортидан элда обрў топди, ҳурмат қозонди. Ҳамиша халқ манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилди.

– Мен ҳақимда матбуотда кўп ёзишган, – деганди бир суҳбатимизда у киши, – аммо барчасида бир жумла бўларди: темирчилар сулоласининг вакили. Аслида аждодларимиз кон очиб, руда эритишни такомиллаштирганлар, металлдан пўлат ажратиб олишган. Бундай айтганда, кимёгар бўлишган. Ҳозир уларни мақташдан йироқман. Фақат бир нарсани айтиб ўтиш жоиз, уларнинг меҳнати қадрланмади. Улар бугунги дориламон кунларни кўрмади, шу армон билан ўтишди.

Шукрки, биз меҳнати қадрланадиган замонда яшаяпмиз. Озгина меҳнатинг юксак қадрланса, бу рағбатдан кўнгил ҳам тоғдек ўсар экан.

Дарҳақиқат, Иброҳим Файзуллаевнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб эътироф этиб келинмоқда. 1993 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, 1996 йилда эса Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Ўшанда Деновда, бутун Сурхондарёда катта тантана бўлиб кетганди. У Сурхондарёдан чиққан биринчи Қаҳрамон эди.

– Одамлар, узоқ-яқиндаги қадрдонларим мени табриклашяпти, мен эса хўжалик аъзоларини, – дея ўша кунларни эслайди Файзулла ака. – Чунки бир кишининг ўзи ҳеч қачон ҳеч нарса қилолмайди. Шунинг учун ўша пайтда муҳтарам Президентимиз томонидан муносиб кўрилган бу мукофотни бутун хўжалигимиз аҳлига билдирилган юксак ҳурмат-эътибор деб билдим. Деҳқонга эътибор деб билдим. Менга билдирган ишончни оқлаш учун бор куч-ғайратим билан меҳнат қиляпман. Мустақиллик туфайли меҳнатимиз қадр топди, шаънимиз, ғуруримиз, ҳақ-ҳуқуқимиз тикланди. Аввало, мана шу кунларга етказганига шукрона айтаман.

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
Назарали ТИЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбирлари.

Бухоро Вилояти

Бухоро шаҳрида ўтказилган навбатдаги «Қовун сайли» тадбирида кўргазмага қўйилган тилими тилни ёрар полиз маҳсулотлари она заминимизнинг саховатию миришкор деҳқонларимизнинг маҳоратидан далолатдир.

ЗАМИН САХОВАТИ ВА ДЕҲҚОН МАҲОРАТИ

Ўн еттинчи бор ўтказилаётган мазкур анъанавий тадбир воҳа полизкорларининг кейинги йилларда олиб борган изланишлари туфайли қўлга киритилган ютуқларнинг намойиши бўлди, десак янглишмаймиз.

Бу борадаги изланишлар самараси ўлароқ, бугун бозорларимизда бўри калла, оқ амири, кўк амири, гулоби, жайхун, қора ҳайит каби бир қатор ноёб қовун ва тарвуз навлари кўпайиб бормоқда. Фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларида полизчиликни даромад манбаига айлантириш, тармоқда қайта ишлашни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда қатнашган 120 дан ортиқ полизкорлар ўзаро тажриба алмашиш баробарида шаҳар аҳолиси дастурхонига 450 тоннадан ортиқ 30 турдаги маҳсулотни тортиқ қилдилар.

Тадбир якунида тармоқ ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ғиждувон, Жондор, Пешку, Шофиркон, Когон, Қоровулбозор, Қоракўл туманларидаги бир қатор фермер хўжаликларининг номлари алоҳида тилга олиниб, уларга вилоят ҳокимлиги ҳамда ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Мустақиллик байрами арафасида бу каби тадбирларнинг ташкил этилишида рамзий маъно бор, — дейди полизчилик йўланишида изланишлар олиб бораётган Ҳожиқурбон Ҳайитов. — Азалдан воҳамиз ўзининг ширин-шакар полиз маҳсулотлари ҳамда улардан тайёрланган шифобахш шинни, қоқи, мурабболари билан машҳур. Мустақиллигимиз полизкорларимизга ана шу анъаналарни тиклаш имконини берди.

Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

○ Реклама ва эълонлар

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 24 сентябрь куни соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан Жиззах вилояти ҳокимлигига қарашли, Жиззах вилояти ҳокимлиги автогаражида сақланаётган қуйидаги техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1980 й. и/ч “ЗИЛ-130” русумли, д/р 13 АЕ 002, ранги кўк, бошланғич баҳоси 1 130 000 сўм, 1993 й. и/ч “ГБА РАФ-220301 СНГ” русумли, д/р 13 AF 600, ранги сариқ, бошланғич баҳоси 1 376 000 сўм, 2001 й. и/ч “Нексия” русумли, д/р 25/207 ААА, ранги оқ, бошланғич баҳоси 6 261 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари 2013 йил 24 сентябрь кунидаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2, 8 ва 15 октябрь ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг, ҳар бир мулк учун алоҳида, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Universal Auktsion invest” МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Жиззах бўлимидаги МФО: 00122, ИНН: 302083379, 22626000304932168001 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Жиззах шаҳар Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 63-уй 522-хона. Мурожаат учун тел.: (+99891) 941-68-07.

Гувоҳнома № 004059

ООО “WELCOME SERVICE PLUS” (ИНН 302241814), зарегистрированное ИРСП Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 005721-03, 19.03.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Шахрисабз д. 4, сообщает о своей реорганизации путем присоединения к ООО “PARADISE DREAM” Мирабадского р-на г. Ташкента. ООО “PARADISE DREAM” является правоприемеником по всем правам и обязанностям ООО “WELCOME SERVICE PLUS”. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент ул. Шахрисабз д. 4 в течение 2-х месяцев.

Вниманию организаций и предприятий!

ИК ПО КС ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ НА ОБЪЕКТЫ:

Лот №17-2. «Оснащение детского центра «Баркамол авлод» в центре Нуратинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком 3 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 105 124 100 сум.

Лот №17-3. «Оснащение детского центра «Баркамол авлод» в центре Кизилтепинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком 3 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 126 790 583 сум.

Лот №17-4. «Оснащение детского центра «Баркамол авлод» в центре Хатирчинского района Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком 2 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 76 552 833 сум.

Лот №17-5. «Оснащение детского центра «Баркамол авлод» в центре города Учкудук Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком 3 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 117 913 667 сум.

Лот №17-6. «Оснащение детского центра «Баркамол авлод» в центре города Зарафшан Навоийской области».

Срок окончания работ, установленный заказчиком 3 месяцев.

Стартовая стоимость заказчика составляет 129 221 917 сум.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств местного бюджета.

(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления.

Утерянные кадастровые документы дома по адресу: г.Ташкент Шайхантохурский район 4 пр. Улугбек дом 5, выданный службой кадастра Шайхантохурского района г.Ташкента на имя Салиевой Малики Ахмедовны считать недействительным.

Утерянную круглую печать ЧП “Султонов Бобур Бахтиёр Угли” выданный Кашкадарьинской области Китабского района считать недействительной.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар КУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳих: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-814, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 02.10 15742 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5